



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИДА ИДОРЛАРАРО ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ: ҲУҚУҚИЙ БАЗАНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА ТАШКИЛИЙ БОШҚАРУВ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Мухаммадалиев Зухриддин Хабибулло ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.19544026>

ARTICLE INFO

Received: 4th April 2026
Accepted: 5th April 2026
Published: 12th April 2026

KEYWORDS

йўл ҳаракати хавфсизлиги, идоралараро ҳамкорлик, ҳуқуқий асослар, ташкилий бошқарув, ваколатлар тақсимоти, регламент, маълумотлар интеграцияси, мониторинг, KPI ва аудит, risk-based management

ABSTRACT

Мақолада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда идоралараро ҳамкорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий истиқболлари комплекс таҳлил қилинади. Тадқиқотда ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий асослари, ваколатларни аниқ чегаралаш, идоралараро регламентлар, жавобгарлик ва ҳисобдорлик механизмларини такомиллаштириш масалалари ёритилади. Шунингдек, амалиётда учрайдиган муаммолар — функциялар такрорланиши, маълумот алмашинувининг парчаланганлиги, ягона стандартлар ва KPI мезонларининг етишмаслиги, мониторинг ва аудитнинг тизимли йўлга қўйилмаганлиги таҳлил қилинади. Муаллиф “ягона бошқарув контури”ни шакллантириш, интеграциялашган ахборот платформалари орқали қарор қабул қилишни тезлаштириш, рискка асосланган бошқарув, профилактика маданиятини кучайтириш ҳамда пост-ҳодиса (post-crash) чораларини мувофиқлаштириш бўйича ташкилий ечимларни асослайди. Мақола хулосалари соҳавий қонунчиликни такомиллаштириш ва идоралараро ҳамкорликнинг натижадорлигини ошириш учун илмий-амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида барқарор натижага эришиш кўп омилли бошқарувни талаб қилади: инфратузилма, назорат ва ҳуқуқни қўллаш, таълим-тарғибот, рақамли мониторинг ҳамда тиббий ёрдам тизимлари бир вақтнинг ўзида мувофиқлашган ҳолда ишлаганда самара таъминланади. Шу боис идоралараро ҳамкорликни ҳуқуқий жиҳатдан аниқ регламентлаш, ваколат ва масъулият чегараларини белгилаш, маълумотлар интеграцияси ва натижадорлик мезонларига асосланган мониторингни йўлга қўйиш бугунги кунда миллий амалиётни такомиллаштиришнинг муҳим истиқболий йўналиши ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда турли давлат органлари ўртасидаги самарали ҳамкорлик тизимини йўлга қўйиш ва уни изчил ривожлантириш бугунги

куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Зеро, йўл-transport инфратузилмасида хавфсизликни таъминлаш фақат бир органнинг эмас, балки ички ишлар органлари, транспорт ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳаллий ҳокимиятлар, таълим муассасалари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлиги орқали амалга оширилиши мумкин.

Сўнги йилларда янги Ўзбекистонда қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг асосий вазифаларидан биридир. Шу ўринда, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базасининг “Хавфсизлик ва ҳуқуқ тартибот муҳофазаси” соҳасининг “Жамият хавфсизлиги” йўналишининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва парвозлар хавфсизлиги” деб номланган кичик йўналиши бўйича жами 60 дан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб¹, мазкур нормалар мамлакатда фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, йўлларда ҳаракат тартибини белгилаш, ҳаракат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳамда хавфсиз ва барқарор транспорт муҳитини таъминлашга қаратилгандир.

Шу ўринда, бугунги кунда мамлакатда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни “Халқ манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлигини йўлга қўйишга қаратилган².

Дарҳақиқат, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантириш мақсадида, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни илмий ёндашувлар асосида ҳалқаро нормаларга интеграция қилиш бугунги кунда норма ижодкорлиги фаолиятининг асосий босқичи ҳисобланмоқда. Эндиликда биз жиноятларни олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги миллий қонунчиликни ҳалқаро нормаларга интеграция қилиш босқичларининг тизимли кетма-кетлигини белгилаб олишимиз мазкур тадқиқот ишининг мазмунини янада бойитишга хизмат қилади. Ушбу босқичларга:

биринчидан, миллий қонунчиликнинг халқаро нормаларга интеграция қилишнинг авзалликлари билан боғлиқ жиҳатларини ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қарашлари билан ёритиш!

иккинчидан, бугунги кунда ҳалқаро ташкилотлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш йўналишида қандай ҳалқаро ҳужжатлар қабул қилинган?

учинчидан, миллий қонунчиликни ҳалқаро нормаларга интеграция қилишдан кўзланган мақсади ва унинг афзалликлари нималардан иборат?

тўрттинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш йўналишида қабул қилинган қайси бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазмунини ҳалқаро нормаларнинг ижобий тажрибаси билан тўлдириш давр талабига айланмоқда?

¹ Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси / <https://lex.uz/search/ext?&lang=3&okoz=7504>

² Мирзиёев Ш.М. “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/5749291>

Мазкур *(биринчи) босқичлардан* келиб чиқиб, миллий қонунчиликнинг халқаро нормаларга интеграция қилинишига оид бир қатор ҳуқуқшунос олимлар ўз илмий таърифларини илгари суришган. Хусусан, Д.Н. Бахрахнинг таърифига кўра, *халқаро нормаларга интеграция* – бу давлатнинг миллий қонунчилигида халқаро ҳуқуқий стандартларни қабул қилиш ва уларни миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш жараёни бўлиб, бу инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, трансмиллий жиноятларга қарши самарали курашиш ва ҳуқуқий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган³. Мазкур таърифда у инсон ҳуқуқлари ва глобал хавфсизлик масалаларини интеграция жараёнининг марказий нуқтаси сифатида кўрсатади. Шу боис, у қонунчиликни инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига уйғунлаштиришни устувор йўналиш сифатида қайд этади. К.Ф. Гуценко фикрига кўра, *интеграция* – бу халқаро шартномалар ва халқаро ҳуқуқий нормаларнинг миллий қонунчиликка татбиқ этилиши орқали давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий мувофиқлик ва ҳамкорликни кучайтириш жараёнидир. У бу жараённинг трансмиллий жиноятларга қарши қўшма чораларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашдаги аҳамиятини таъкидлайди⁴. Гуценко интеграциянинг асосий жиҳати сифатида ҳуқуқий мувофиқликни ва жиноятчиликка қарши самарали ҳамкорликни таъкидлайди. Бу ёндашув халқаро қоидаларнинг давлатлараро қўшма фаолиятни мустаҳкамлашдаги аҳамиятини кўрсатади. О.А. Галустьян назариясига кўра эса, *халқаро нормаларнинг миллий қонунчиликка интеграция қилиниши* – бу давлатнинг ички ҳуқуқий тизимида халқаро қоидаларни ижобий татбиқ этиш, жумладан, процессуал ва материя ҳуқуқ нормаларини уйғунлаштириш орқали қонун устуворлигини таъминлашни назарда тутати⁵. Галустьяннинг таърифи қонун устуворлигига алоҳида урғу беради. У қонунчиликдаги процессуал ва материя нормаларни уйғунлаштиришнинг аҳамиятини қайд этади, бу эса ҳуқуқий тизимнинг барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Қозоғистонлиқ ҳуқуқшунос олим М.А. Сарсембаев эса халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик ўртасидаги ўзаро таъсирни таърифлаб, миллий ҳуқуқий тизимда халқаро стандартлар жорий этилиши давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик самарадорлигини оширишга хизмат қилади, деб таъкидлаган⁶. Сарсембаевнинг таърифи халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга қаратилган. У халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка жорий этилиши давлатлараро муносабатлардаги ҳуқуқий ўзаро таъсирни яхшилашини кўрсатади.

Юқоридаги назарий қарашларни умумлаштирган ҳолда, миллий қонунчиликнинг халқаро нормаларга интеграция қилиниши бўйича қуйидаги мазмунда муаллифлик таърифини бериш мақсадга мувофиқ. Яъни,

“Миллий қонунчиликнинг халқаро нормаларга интеграция қилиниши – бу давлатнинг ички ҳуқуқий тизимида халқаро ҳуқуқий қоидалар ва стандартларни қабул қилиш ва мослаштириш жараёни бўлиб, бу жараён инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, трансмиллий

³ Бахрах Д.Н. Административное право России: учебник для вузов Текст предоставлен правообладателем http://www.litres.ru/pages/biblio_book/?art=447605 Административное право России: учебник для вузов: Эксмо; М.; 2010 ISBN 978-5-699-40071-3 // <https://fictionbook.ru/static/trials/00/44/76/00447605.a4.pdf>

⁴ Гуценко К.Ф. Правоохранительные органы: учебник для бакалавров.- М.: КноРус, 2013. – 376 с.

⁵ Галустьян О.А. «Теоретические проблемы профилактики антиобщественного поведения». В 2000 – док. дисс. «Обеспечение прав граждан в уголовно-процессуальной и оперативно-розыскной деятельности».

⁶ Сарсембаев М.А. Международное право в истории Казахстана и Средней Азии : [Учеб. пособие для юрид. фак. вузов] / Алма-Ата : Aha mili, 1991-. - 151,[1] с.; 20 см.; ISBN 5-630-00021-7

таҳдидларга қарши самарали курашиш ва давлатлар ўртасидаги ҳуқуқий ҳамкорликни таъминлашга қаратилган”.

Юқорида биз жиноятларни олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги миллий қонунчиликни халқаро нормаларга интеграция қилишнинг биринчи босқичини илмий ёндашув асосида ўргандик. Эндиликда, иккинчи босқичда халқаро ташкилотлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни олдини олиш йўналишида қабул қилган халқаро ҳужжатларнинг турларини ёритиш мақсадга мувофиқ. Буларга:

биринчидан босқич, **Бирлашган Миллатлар Ташкилоти**⁷ томонидан жиноятларни олдини олиш билан боғлиқ қабул қилинган халқаро ҳужжатларга:

а) 1948 йилда **“Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”**⁸ ва 1966 йилда **“Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт”**⁹ қабул қилинган бўлиб, мазкур халқаро ҳужжатлар барча аъзо давлатлар учун ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг устувор принципларини қатъий белгилаб берган;

б) 2000 йилда **“Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши БМТ конвенцияси”**¹⁰ (Палермо конвенцияси) қабул қилинган бўлиб, мазкур халқаро ҳужжат барча аъзо давлатларга трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш ва унга қарши халқаро ҳамкорликнинг аниқ механизмларини белгилаб берган;

в) 2003 йилда **“Коррупцияга қарши БМТ конвенцияси”**¹¹ қабул қилинган бўлиб, мазкур халқаро ҳужжат аъзо давлатларга коррупция жиноятларининг олдини олиш ва бу соҳада халқаро ҳамкорликни кучайтиришни назарда тутувчи устувор қоидаларни белгилаб берган;

г) БМТнинг Европадаги иқтисодий комиссияси (UNECE) ташаббуси билан ишлаб чиқилган **“Йўл ҳаракати тўғрисидаги Вена конвенцияси”**¹² (Vienna Convention on Road Traffic, 1968) халқаро транспорт ҳуқуқининг асосий ҳужжатларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур Конвенцияга 80 дан ортиқ давлатлар қўшилган бўлиб, у йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида халқаро ҳуқуқий тартибни шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

Конвенциянинг қабул қилиниши қуйидаги асосий мақсадларга қаратилган:

- давлатлар ўртасида йўл ҳаракати қоидаларини бирхиллаштириш орқали умумий ҳуқуқий асос яратиш;
- халқаро йўл ҳаракати жараёнларини соддалаштириш ва осонлаштириш;
- ҳаракат иштирокчилари учун универсал ҳуқуқий қоидалар тизимини белгилаш;
- йўл-транспорт ҳалокатларини камайтириш ва ҳаракат хавфсизлигини ошириш.

Конвенциянинг мазмунини ташкил этувчи асосий нормалар қуйидагилардан иборат:

- ❖ йўл ҳаракати иштирокчилари (ҳайдовчилар, пиёдалар, велосипедчилар ва бошқалар)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ ҳуқуқий нормалар орқали белгилаш;
- ❖ транспорт воситалари учун лицензиялаш, техник ҳолатни таъминлаш ва суғурта бўйича талабларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш;
- ❖ йўл белгилари ва светофор сигналлари учун ягона халқаро стандартларни жорий этиш;

⁷ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/decl_organizedcrime.shtml

⁸ <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>

⁹ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/pactpol.shtml

¹⁰ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/orgcrime.shtml

¹¹ https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conv_corruption.shtml

¹² Vienna Convention on Road Traffic, 1968 (United Nations Treaty Series, Vol. 1042) // <https://treaties.un.org/doc/Publication/UNTS/Volume%201042/volume-1042-I-15705>

❖ ҳаракатда фойдаланиладиган расмий ҳужжатлар (халқаро ҳайдовчилик гувоҳномалари ва бошқалар) талабларини белгилаш;

❖ давлатлар ўртасида транспорт воситаларининг чегара орқали ҳаракатини ҳуқуқий жиҳатдан мувофиқлаштириш.

Вена конвенциясининг ҳуқуқий аҳамияти шунда намоён бўладики, у иштирокчи давлатларда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга мувофиқ равишда такомиллашувига ва унинг интеграциясига хизмат қилади. Бу эса халқаро транспорт оқимларининг самарадорлиги ва хавфсизлигини оширишга, шунингдек, йўл-транспорт соҳасидаги умумий ҳуқуқий фазони яратишга асос бўлиб хизмат қилади.

д) БМТнинг Статистика ва транспорт бўлими ташаббуси билан 1949 йилда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва давлатлар ўртасида транспорт воситаларининг эркин ҳаракатланишини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида Швейцариянинг Женева шаҳрида “Йўл ҳаракати тўғрисидаги Женева конвенцияси”¹³ (Convention on Road Traffic, Geneva, 1949) қабул қилинди. Мазкур конвенциянинг асосий мақсадларини қуйидагича ифодалаш мумкин:

➤ иккинчи жаҳон уруши оқибатида бузилган халқаро транспорт ҳаракатини қоидалар асосида қайта тиклаш;

➤ давлатлар ўртасида транспорт воситаларининг ҳаракатини соддалаштириш ва тизимлаштириш;

➤ йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш орқали ҳалокатлар сонини камайтириш.

Конвенция доирасида ишлаб чиқилган асосий нормалар қуйидагиларни ўз ичига олади:

✚ халқаро ҳайдовчилик гувоҳномаларини тан олиш ва улар асосида транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини таъминлаш;

✚ йўл ҳаракатида иштирок этаётган транспорт воситалари ва ҳайдовчиларга қўйиладиган минимал талабларни белгиловчи стандартлар қабул қилиш;

✚ йўл белгилари ва светофор сигналлари бўйича умумий қоидаларни белгилаш орқали йўл инфратузилмасини ягона тартибга солиш;

✚ транспорт воситаларининг давлат мансублигини кўрсатувчи халқаро идентификация белгиларини жорий этиш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Женева конвенцияси йўл ҳаракати соҳасида давлатлараро муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда, шунингдек, транспорт оқимини эркинлаштириш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда катта илмий ва амалий аҳамият касб этган.

е) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) томонидан 2004 йилда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда халқаро ҳамкорликни амалга ошириш мақсадида United Nations Road Safety Collaboration ((UNRSC) йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳамкорлиги) номли халқаро платформа ташкил этилди. Мазкур “UNRSC” платформани ташкил этилиши БМТ Бош Ассамблеясининг

58/289-сонли резолюцияси (“Йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш”)га асосланиб, БМТ тизимида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (WHO) йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги мувофиқлаштирувчи органи сифатида белгиланган¹⁴.

¹³ Convention on Road Traffic, Geneva, 1949 (United Nations Treaty Series, Vol. 125) // <https://www.worlddriversassociation.com/pdf/CONVENTION>

¹⁴ United Nations General Assembly Resolution 58/289, “Improving Global Road Safety”, 2004.

“UNRSC” халқаро платформанинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди. Буларга¹⁵:

- йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни кучайтириш;
- миллий ва халқаро сиёсий қарорлар ижросини таъминлашда ҳамоҳангликни мустаҳкамлаш;
- техник стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини глобал даражада такомиллаштириш.

“UNRSC” халқаро платформанинг таркибига қуйидаги ҳамкор ташкилотлар киритилган. Буларга БМТ агентликлари (WHO, UNECE, UNICEF, UNDP ва бошқалар), миллий ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар, нодавлат ташкилотлар, хусусий сектор субъектлари ва академик муассасалардан иборат. Уларнинг ўзaro ҳамкорлиги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва ҳаракат қатнашчиларининг ҳуқуқий ва техник маданиятини оширишга қаратилган¹⁶. Шунингдек, унинг асосий фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган. Буларга:

- техник стандартлар ва қўлланмалар ишлаб чиқиш (масалан, шлем тақиш ва тезликни назорат қилиш бўйича тавсиялар);
- глобал ҳисоботлар тайёрлаш (*Global Status Report on Road Safety*);
- глобал ҳаракатлар ўн йилликларини ташкил этиш (*Decade of Action for Road Safety 2011–2020 ва 2021–2030*)¹⁷.

Бундан ташқари, “UNRSC” халқаро платформа томонидан ишлаб чиқилган муҳим дастур ва қўлланмалар қуйидагилардан иборат:

- “*Save LIVES: A Road Safety Technical Package*” (2017) — йўл ҳаракати хавфсизлиги учун комплекс техник чора-тадбирлар мажмуаси;
- “*United Nations Road Safety Fund*” (UNRSF, 2018) — камбағал ва ўрта даромадли мамлакатларда йўл ҳаракати хавфсизлигини ривожлантириш учун махсус молиявий фонд¹⁸.

ё) *жиноятларни олдини олиш ва жиноий адолат бўйича комиссия (Commission on Crime Prevention and Criminal Justice*¹⁹ (CCPCJ)) – мазкур ташкилот БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) таркибидаги асосий сиёсат шакллантирувчи орган бўлиб, 1992 йилда ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси — жиноятларни олдини олиш ва жиноий адолат соҳасида халқаро сиёсатни ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва аъзо давлатларга тавсиялар беришдир.

“CCPCJ” органининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари қуйидагилардан иборат:

¹⁵ World Health Organization (WHO), United Nations Road Safety Collaboration Official Website: <https://www.who.int/groups/united-nations-road-safety-collaboration>

¹⁶ WHO, UNRSC Membership List, 2024.

¹⁷ WHO, “Global Status Report on Road Safety”, various editions (2009, 2013, 2015, 2018).

¹⁸ UNRSF Official Website: <https://roadsafetyfund.un.org>

¹⁹ *Изоҳ*: “CCPCJ” органига 40 та давлатлар аъзо бўлиб, улар “ECOSOC” томонидан уч йиллик муддатга сайланади. Аъзолар географик гуруҳлар бўйича тақсимланган: Африка давлатлари (12), Осиё-Тинч океани давлатлари (9), Шарқий Европа давлатлари (4), Лотин Америкаси ва Кариб денгизи давлатлари (8), Ғарбий Европа ва бошқа давлатлар (7). Ҳар бир сессияда комиссия раиси, учта раис ўринбосари ва бир рапортёрдан иборат бюро сайланади. Бундан ташқари, кенгайтирилган бюро ҳам мавжуд бўлиб, у БМТнинг бешта минтақавий гуруҳи раислари, 77 гуруҳ ва Хитой раисини ва Европа Кенгаши президентлигини олиб бораётган давлат вакилини ўз ичига олади.

- *сиёсат ишлаб чиқиш ва тавсиялар бериш:* “ССРСЖ” органи жиноятларни олдини олиш ва жиноий адолат соҳасида халқаро сиёсатни ишлаб чиқади ва аъзо давлатларга тавсиялар беради;
- *БМТнинг жиноятларни олдини олиш ва жиноий адолат дастурини бошқариш:* “ССРСЖ” БМТнинг Жиноятларни олдини олиш ва жиноий адолат дастурини бошқаради ва унинг фаолиятини мувофиқлаштиради;
- *йўл ҳаракати билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш:* “ССРСЖ” органи йўл ҳаракати билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш ва жазо чораларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. У бу соҳадаги сиёсатларни ишлаб чиқади ва аъзо давлатларга тавсиялар беради;
- *йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш:* “ССРСЖ” органи йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш мақсадида халқаро ҳамкорликни кучайтириш ва мувофиқлаштиришда иштирок этади.

Шунингдек, “ССРСЖ” органининг фаолияти йўл ҳаракати билан боғлиқ жиноятларни олдини олиш ва жазо чораларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Унинг ишлаб чиққан сиёсатлари ва тавсиялари аъзо давлатларга йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш ва йўл ҳаракати билан боғлиқ жиноятларни камайитиришда ёрдам беради²⁰.

ж) Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича глобал ҳаракат режалари. Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш дунё миқёсида барча давлатлар учун устувор стратегик вазифа сифатида қайд этилмоқда. Айниқса, БМТ ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ташаббусида йўл-транспорт ҳодисаларини камайитириш мақсадида глобал ҳаракат режалари ишлаб чиқилиб, мамлакатларга хавфсизликни ошириш бўйича аниқ йўл хариталари тавсия этилмоқда.²¹ Мазкур ислохотдан кўзланган мақсад дунё бўйича йўлларда ҳалок бўлиш ва оғир жароҳат олиш ҳолатларини *2030 йилгача 50% га камайитириш* ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлатлар ўртасида ҳамкорлик ва тажриба алмашишни кучайтиришдир²².

Дарҳақиқат, бугунги кунда қатор мамлакатларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар юқори самара бермоқда. Бундай ислохотлар нафақат мазкур мамлакатларда истиқомат қилаётган доимий аҳоли ва ташриф буюрувчи меҳмонларнинг хавфсизлигини таъминлашда, балки давлатнинг иқтисодий тараққиётига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Шунинг учун мазкур ислохотларни таҳлил қилишда уларни асосий глобал ташаббуслар даврларига бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Буларга қуйидагилар киради:

*биринчи глобал ташаббус*²³ — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2011–2020 йилларни қамраб олган давр бўлиб, у БМТ томонидан

2010 йилда қабул қилинган “A/RES/64/255” сонли резолюция асосида расман “Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича биринчи глобал декада” деб эълон қилинган. Мазкур босқич доирасида йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишга қаратилган бошқарув тизимини такомиллаштириш, йўл инфратузилмасини модернизациялаш, транспорт воситаларининг техник хавфсизлигини кучайтириш, ҳаракат иштирокчиларининг хулқ-атворини яхшилаш ҳамда авариядан кейинги ёрдам тизимини самарали ташкил этиш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Бу йўналишларга оид илк системали ёндашув сифатида 1997 йилда Швеция давлати²⁴ томонидан “Vision Zero” стратегияси қабул қилинган бўлиб, унда инсон ҳаёти энг олий

²⁰ <https://www.unodc.org/unodc/en/commissions/CCPCJ/index.html>

²¹ WHO, *Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030*

²² United Nations, Resolution 74/299, 2020

²³ United Nations. Resolution 74/299 on Improving Global Road Safety, 2020 (UN Documentation).

²⁴ Swedish Transport Administration, *Vision Zero Strategy*

қадрият сифатида эътироф этилган ва йўл ҳаракати тизими инсон хатоларини инобатга олган ҳолда қайта ташкил этишга йўналтирилган. Мазкур стратегия йўл инфратузилмасини такомиллаштириш, транспорт воситаларини хавфсизлаштириш, ҳаракатчиларнинг хулқ-атворини тўғри йўналтириш ва авариядан кейинги тезкор ёрдам тизимини яратиш каби йўналишларни қамраб олган;

*иккинчи глобал ташаббус*²⁵ — йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича 2021–2030 йилларни қамраб олган ва БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 2020 йилда қабул қилинган “A/RES/74/299” – сонли резолюция асосида эълон қилинган. Ушбу ташаббус доирасида асосий мақсад сифатида *2030 йилгача йўл-транспорт ҳодисалари натижасидаги ҳалок бўлиш ва оғир жароҳат олиш ҳолатларини камида 50 фоизга камайтириш белгиланган.*

Иккинчи глобал ҳаракат режаси Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) ва БМТ ҳамкорлигида ишлаб чиқилган “*Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030*” ҳужжати асосида амалга оширилмоқда. Мазкур ҳужжатда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича қуйидаги асосий йўналишлар устувор деб белгиланган:

- *йўл инфратузилмасини хавфсизлик талабларига мос равишда қайта лойиҳалаш ва реконструкция қилиш;*
- *замонавий техник талабларга жавоб берадиган транспорт воситаларидан фойдаланишни таъминлаш;*
- *ҳаракат иштирокчиларининг хулқ-атворини масъулиятли йўналтириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш;*
- *тезкор тиббий ёрдам ва авариядан кейинги хизматлар самарадорлигини ошириш;*
- *давлат ва жамият ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш ҳамда маълумотларга асосланган сиёсат юритиш.*

Иккинчи глобал ташаббус доирасида давлатлардан йўл ҳаракати хавфсизлигини миллий сиёсат даражасида устувор йўналиш сифатида қабул қилиш, тегишли норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш ва халқаро тажрибаларни татбиқ этиш талаб этилмоқда. Айниқса, харажат ва инвестицияларнинг йўл инфратузилмасини модернизация қилиш, тезкор тиббий ёрдам хизматларини ривожлантириш ва йўл ҳаракати маданиятини оширишга йўналтирилиши катта аҳамият касб этади.

Масалан, Норвегия давлати²⁶ “*Vision Zero*” стратегияси доирасида 2022–2025 йилларга мўлжалланган 179 та аниқ чора-тадбирлар режасини қабул қилган бўлиб, ушбу режа тезликни самарали назорат қилиш, алкоголь таъсирида ҳайдаш ҳолатларини олдини олиш ва йўл инфратузилмасини яхшилаш каби устувор йўналишларни қамраб олган;

*учинчи глобал ташаббус*²⁷ – йўл ҳаракати хавфсизлигини оширишда йўл инфратузилмасини такомиллаштириш устувор вазибалардан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан ишлаб чиқилган “*Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030*” ҳужжатида ҳам мазкур йўналиш алоҳида эътибор билан қайд этилган. Унга кўра, йўл инфратузилмасини такомиллаштириш доирасида қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим:

- *хавфли кесимларни қайта лойиҳалаш ва замонавий хавфсизлик талабларига мос ҳолда реконструкция қилиш;*

²⁵ World Health Organization. *Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030* (WHO Publication).

²⁶ Norwegian Public Roads Administration, 2022

²⁷ The United Nations Economic Commission for Europe (UNECE) // <https://unece.org/general-unece/press/unece-and-partners-release-global-plan-decade-action-road-safety-2021-2030>

- *пиедалар учун алоҳида ҳаракат йўлаклари ва велосипедчилар учун велоюллар ташкил қилиш;*
- *йўл белгиларини, ёритиш ва сигнализация тизимларини янгилаш ва самарадорлигини ошириш.*

Мазкур чора-тадбирлар нафақат йўл ҳаракати иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш, балки авариялар хавфини олдини олишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, Дания давлати томонидан мазкур йўналишда жаҳон миқёсида илғор амалиёт жорий этилган бўлиб, бутун миллий йўл тармоғида ҳаракат оқимини кузатиш учун real-time (ҳақиқий вақт) GPS маълумотларига асосланган интеллектуал кузатув тизими ташкил этилган. Ушбу тизим орқали ҳаракат интензивлиги, авария хавфи юқори бўлган нуқталар ва инфратузилмадаги носозликлар аниқланиб, уларни ўз вақтида реконструкция қилиш имконияти яратилган. Бундай ёндашув натижасида хавфли кесимчалар ва ҳаракат йўналишлари бўйича йўл-транспорт ҳодисаларининг сезиларли даражада камайишига эришилган²⁸;

тўртинчи глобал ташаббус²⁹ – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда фақат йўл инфратузилмасини яхшилаш эмас, балки транспорт воситаларининг техник хавфсизлигини ошириш ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган “Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030” ҳужжатида транспорт воситаларининг хавфсизлик даражасини ошириш қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши зарурлиги таъкидланган. Буларга:

- *“airbag”, “тормоз тизимлари”, “хавфсизлик камарлари” каби мажбурий хавфсизлик жиҳозларини жорий этиш;*
- *транспорт воситаларининг конструкциявий мустаҳкамлигини ва йўлда тўқнашувда инсон ҳимоясини кучайтириш;*
- *аварияларни олдини олишга қаратилган интеллектуал тизимлар билан жиҳозлаш.*

Бу талаблар нафақат янги автомобиллар учун, балки мавжуд автопаркларни қайта техник кўриқдан ўтказиш ва хавфсизлик талабларига мувофиқлаштириш ишларини ҳам қамраб олади.

Масалан, Германия давлати транспорт воситаларини хавфсизлаштириш бўйича Европа Иттифоқи стандартларига асосланган ҳолда, барча янги автомобиллар учун Automatic Emergency Braking System (AEB) ва Lane Departure Warning System (LDWS) каби замонавий хавфсизлик технологияларини мажбурий тарзда жорий этди. Бу чоралар йўл-транспорт ҳодисалари ва ҳалокатли тўқнашувлар сонини камайитиришда сезиларли натижалар берди³⁰;

бешинчи глобал ташаббус³¹ – йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳаракат иштирокчиларининг хулқ-атворини тарбиялаш ва назорат қилиш муҳим ўрин тутди. “Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030” ҳужжатидан келиб чиқиб, қўйидаги чора-тадбирлар тавсия этилган. Буларга:

- *тезлик режимида рюя этилишини назорат қилиш ва ортиқча тезлик учун қатъий жавобгарлик белгилаш;*

²⁸ Danish Road Directorate, GPS Monitoring Report, 2021; WHO, Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030

²⁹ The United Nations Economic Commission for Europe (UNECE) // <https://unece.org/general-unece/press/unece-and-partners-release-global-plan-decade-action-road-safety-2021-2030>

³⁰ German Federal Ministry of Transport and Digital Infrastructure, 2022; WHO, Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030

³¹ The United Nations Economic Commission for Europe (UNECE) // <https://unece.org/general-unece/press/unece-and-partners-release-global-plan-decade-action-road-safety-2021-2030>

- алкоголь ёки наркотик моддалар таъсирида ҳайдаш ҳолатларини олдини олиш учун текширув ва жазо чораларини кучайтириш;
- ҳаракат қоидалари бўйича аҳолини мунтазам равишда ҳуқуқий ва ахлоқий маърифий ишлар билан қамраб олиш;
- болалар ва ёшлар ўртасида йўл ҳаракати маданиятини шакллантириш.

Масалан, Япония давлатида³² ҳаракат иштирокчиларининг масъулиятини ошириш учун “Zero Tolerance Policy” (“Нол тоқат сиёсати”) амалиёти жорий қилинган бўлиб, қонда спиртли ичимлик миқдори меъёрдан ҳатто оз бўлган тақдирда ҳам ҳайдовчига нисбатан қаттиқ жиноий жавобгарлик чоралари кўрилган. Бу чора халқ орасида хавфсиз ҳаракат маданиятини шакллантиришда муҳим таъсир кўрсатган;

олтинчи глабал ташаббус³³ – йўл-транспорт ҳодисаларидан кейинги даврда тезкор ва самарали ёрдам кўрсатиш йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. “Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030” доирасида шошилиш тиббий ёрдам тизимини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ривожлантириш тавсия этилган. Буларга:

- ҳар бир авария нуқтасидан шошилиш тиббий ёрдам хизматига мурожаат қилиш имкониятини яратиш;
- фавқулодда ҳолатларда тезкор жавоб қайтарувчи гуруҳларни ташкил этиш;
- тиббий ёрдам марказларини хавфли кесимларга яқинроқ жойлаштириш;
- ёрдам кўрсатишда “Олтин соат” концепциясини (Golden Hour Concept) амалга ошириш.

Масалан, Швейцария³⁴ давлатида йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлган ҳолларда тиббий ёрдам биринчи 10 дақиқа ичида етиб боришини таъминлайдиган шошилиш тиббий хизмат тизими ишлаб чиқилган. Бу тизим ҳалок бўлиш ва оғир жароҳат олиш ҳолатларини камайитиришда муҳим натижалар берди.

Иккинчи босқич, Европа Кенгаши³⁵ (Council of Europe) ва унга яқин фаолият юритувчи халқаро ташкилотлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш ва давлатлар ўртасида ҳаракат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадида қатор муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Улар қуйидагилардан иборат:

а) Vienna Convention on Road Traffic, 1968³⁶ (1968 йилги йўл ҳаракати тўғрисидаги Вена конвенцияси) – мазкур конвенция БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (UNECE) ҳамкорлигида Европа Кенгаши давлатлари иштирокида қабул қилинган бўлиб, йўл ҳаракати қоидаларини бирхиллаштириш, ҳаракатчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш, транспорт воситаларига қўйиладиган техник талабларни стандартлаштириш ва шу орқали халқаро ҳаракат хавфсизлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилган. Бу ҳужжат Европа давлатлари ўртасида йўл ҳаракати қоидаларининг мувофиқлаштирилишини таъминлаб, давлатлараро ҳаракат хавфсизлигини яхшилашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда;

б) Vienna Convention on Road Signs and Signals, 1968³⁷ (1968 йилги йўл белгилари ва сигналлари тўғрисидаги Вена конвенцияси) – ушбу конвенция БМТ Европа иқтисодий комиссияси ташаббуси билан Европа давлатлари иштирокида қабул қилинган бўлиб,

³² National Police Agency of Japan, Road Safety White Paper 2021

³³ The United Nations Economic Commission for Europe (UNECE) // <https://unece.org/general-unece/press/unece-and-partners-release-global-plan-decade-action-road-safety-2021-2030>

³⁴ Swiss Council for Accident Prevention, 2021; WHO, Global Plan for the Decade of Action for Road Safety 2021–2030

³⁵ <https://www.coe.int/en/web/cdpc>

³⁶ Vienna Convention on Road Traffic, 1968

³⁷ Vienna Convention on Road Signs and Signals, 1968

йўл белгиларини, йўл чизиқларини ва сигнал тизимларини стандартлаштириш орқали йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш мақсадини кўзлайди. Конвенциянинг аҳамияти шундаки, у турли давлатларда йўл белгиларининг ягона маънога эга бўлиши ва ҳаракатчилар томонидан тўғри талқин қилиниши учун қонуний асос яратган;

в) Agreement concerning the Adoption of Uniform Technical Prescriptions for Vehicles, 1958³⁸ (1958 йилги *Автотранспорт воситалари учун техник инспекция ва хавфсизлик нормалари тўғрисидаги битим*) – мазкур халқаро битим БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси (UNECE)нинг WP.29 ишчи гуруҳи ташаббуси билан ишлаб чиқилган бўлиб, автотранспорт воситаларининг техник талаблари ва хавфсизлик стандартларини ягона тартибда белгиллашга қаратилган. Бу ҳужжат Европа Кенгаши давлатларида сотиладиган ва ҳаракатланаётган автомобиллар учун ягона техник талаблар ва сертификатлаштириш механизмларини жорий этиш орқали транспорт воситалари хавфсизлигини яхшилашда муҳим роль ўйнади;

г) European Road Safety Charter, 2003³⁹ (2003 йилги *Европа йўл ҳаракати хавфсизлиги хартияси*) – ушбу ҳужжат Европа Комиссияси ташаббуси билан ва Европа Кенгаши давлатлари иштирокида қабул қилинган мазкур хартия йўл ҳаракати хавфсизлигини яхшилаш бўйича давлатлар, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти ташкилотлари ўртасида ихтиёрий мажбуриятларни белгилаш ва ҳамкорликни рағбатлантириш мақсадида ишлаб чиқилган. Хартия аҳоли ўртасида йўл ҳаракати хавфсизлиги маданиятини ошириш, давлатлар ўртасида тажриба алмашиш ва миллий стратегияларни мустақамлаш учун муҳим майдон ҳисобланади;

д) Европа Кенгашининг қатор резолюциялари ва тавсиялари⁴⁰ – Европа Кенгаши Парламент Ассамблеяси ва Вазирлар қўмитаси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва йўл-транспорт ҳодисаларини камайтиришга қаратилган бир қатор муҳим тавсиялар ва резолюциялар қабул қилинган:

- *Recommendation R (74) 13* — йўл ҳаракатида алкоголь истеъмолига қарши курашиш бўйича давлатлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирларни белгилайди (Council of Europe, Recommendation R (74) 13);
- *Recommendation R (82) 8* — болалар иштирокидаги йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш учун махсус сиёсат ва амалий тадбирларни ишлаб чиқишни тавсия этади (Council of Europe, Recommendation R (82) 8).
- *Resolution 64 (1999)* — давлатларни миллий даражада йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича узвий стратегиялар қабул қилишга ва амалга оширишга ундайди (Council of Europe, Resolution 64, 1999).

Юқорида халқаро ташкилотлар томонидан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олиш ва давлатлар ўртасида ҳаракат хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган халқаро ҳужжатларнинг мазмуни таҳлил қилинди. Энди эса илмий тадқиқотни янада мазмунан бойитиш мақсадида *учинчи босқичда* — Янги Ўзбекистонда амал қилаётган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтиришга қаратилган миллий қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга интеграция қилишдан кўзланган мақсад ҳамда ушбу жараённинг афзалликлари таҳлил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда ҳар бир ривожланган давлат ўз миллий қонунчилигини норматив - ҳуқуқий ҳужжатларга қўйилган умумий талабдан келиб чиқиб халқаро нормаларга интеграция қилиш тарафдоридир. Мазкур жараён ўз навбатида қатор стратегик

³⁸ 1958 Agreement concerning the Adoption of Uniform Technical Prescriptions for Vehicles

³⁹ European Road Safety Charter

⁴⁰ Council of Europe Recommendations and Resolutions

мақсадларни қўзлайди. Шунингдек, миллий қонунчиликни ҳалқаро нормаларга интеграция қилишнинг ўзига хос муҳим афзалликлари мавжуд. Ушбу жараён миллий ҳуқуқий тизимни халқаро стандартларга мослаштириш ва давлатнинг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий муносабатлардаги нуфузини оширишга қаратилган. Қуйида биз мазкур жараённинг асосий **мақсадлари** ва **афзалликларини** ёритиб ўтамиз.

Миллий қонунчиликни халқаро нормаларга интеграция қилишнинг мақсадларига⁴¹:

- **ҳуқуқий мувофиқликни таъминлаш** – мазкур мақсадга кўра, миллий қонунчиликнинг халқаро нормаларга мувофиқ бўлиши орқали давлат халқаро мажбуриятларини тўғри бажаради. Шунингдек, ушбу жараён ҳар бир мамлакатда ҳуқуқий низоларнинг камайишига ва халқаро муносабатларда барқарорликни таъминлашга олиб келади;
- **халқаро ҳамкорликни ривожлантириш** – мазкур мақсадга кўра, ҳар бир мустақил давлатнинг миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини халқаро нормаларнинг устувор қоидалари билан уйғунлаштириш орқала мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорлик муносабатла⁴²рини яхшилаш хизмат қилади;
- **инвестициявий жозибадорликни ошириш** – мазкур мақсадга кўра, давлатда халқаро нормаларга мувофиқ миллий қонунчиликка кўра чет эллик сармоядорлар учун ишончли ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади. Шунингдек, мамлакатда иқтисодий ўсиш учун инвестиция оқимини оширишга ёрдам беради;
- **иқтисодий ва савдо алоқаларини кенгайтириш** – мазкур мақсадга кўра, барча аъзо давлатлар халқаро савдо ва иқтисодий муносабатлар қоидаларига мос қонунларни қабул қилиш орқали давлатлар ўртасидаги савдо алоқаларини соддалаштиради ҳамда экспорт-импорт жараёнларини енгиллаштиришга хизмат қилади;
- **инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш** – мазкур мақсадга кўра, халқаро ҳуқуқдаги инсон ҳуқуқлари бўйича нормаларни миллий қонунчиликка интеграция қилиш фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини яхшироқ ҳимоя қилишга ёрдам беради.

Миллий қонунчиликни халқаро нормаларга интеграция қилишнинг афзалликларига⁴³:

- **ҳуқуқий барқарорлик ва шаффофлик** – мазкур интеграциянинг афзаллиги шундаки, миллий қонунчиликнинг халқаро стандартларга мослашиши ҳуқуқий тизимнинг шаффофлигини таъминлайди. Бу эса халқаро ҳамкорлар ва сармоядорлар учун қулай ҳуқуқий муҳит яратади;
- **халқаро низоларнинг олдини олиш** – мазкур интеграциянинг афзаллиги шундаки, халқаро ташкилотлар томонидан қабул қилинган нормаларга барча аъзо давлатларнинг сўзсиз амал қилиши натижасида давлатлар ўртасидаги турли ҳуқуқий низоларни олдини олишга хизмат қилади. Шунингдек, халқаро ташкилотларнинг дунё ҳамжамияти олдидаги нуфузини ошишига хизмат қилади;
- **миллий манфаатларни ҳимоя қилиш** – мазкур интеграциянинг афзаллиги шундаки, халқаро шартномалар ва қоидаларни қабул қилишда аъзо давлатлар ўз

⁴¹ Мирзиёев Ш. “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/4872355>

⁴² Мирзиёев Ш. “Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сон Фармони // <https://lex.uz/ru/docs/4872355>

⁴³ Ўша манбаа: // <https://lex.uz/ru/docs/4872355>

фуқаролари ва компанияларининг хориждаги ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади;

- *қонун устуворлигини мустаҳкамлаш* – мазкур интеграциянинг афзаллиги шундаки, миллий қонунчиликнинг халқаро нормаларга мувофиқ равишда ислоҳ қилиниши мамлакатда қонун устуворлигини кучайтиради ва коррупцияга қарши кураш самарадорлигини оширади;

- *жамоат хавфсизлигини таъминлаш* – мазкур интеграциянинг афзаллиги шундаки, мамлакатда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича ривожланган давлатларнинг ижобий тажрибаларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш орқали ўз ички хавфсизлик тизимини такомиллаштиради.

Шу ўринда, янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро нормаларга интеграция қилишнинг ҳуқуқий тизимини кучайтириш, нафақат халқаро муносабатлардаги барқарорликни таъминлашга балки, мамлакатда сармоя, савдо оқимини шунингдек, давлатнинг иқтисодий ва сиёсий нуфузини оширишга ҳам хизмат қилади.

Юқорида миллий қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга интеграция қилишдан кўзланган мақсад ва унинг афзалликлари тўғрисида бирма-бир таҳлил қилинди. Энди эса илмий тадқиқотни тўлиқ ва комплекс ёритиш мақсадида *тўртинчи босқичда* — Янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш йўналишида қабул қилинган миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмунини халқаро нормаларга интеграция қилиш жараёнида юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ҳамда ушбу муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифларни ҳар бир йўналиш кесимида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш соҳасида миллий қонунчиликни халқаро нормаларга интеграция қилишда юзага келаётган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифларни илмий жиҳатдан ёритиш мақсадга мувофиқдир:

Бугунги кунда янги Ўзбекистонда юзага келаётган асосий муаммоларга:

биринчи муаммо, Миллий меъёрий-ҳуқуқий базанинг етарли даражада тўлиқ мувофиқлаштирилмаганлиги. Бунда, мамлакатда йўл ҳаракати хавфсизлигини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар (*Йўл ҳаракати қоидалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят кодекси*) БМТ, ЖССТ, ва Европа Кенгаши каби ташкилотлар томонидан қабул қилинган Вена конвенциялари ва бошқа халқаро стандартлар билан тўлиқ уйғунлаштирилмаган. Масалан, 1968 йилги “Йўл ҳаракати тўғрисидаги Вена конвенцияси”⁴⁴ талабларини миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилишда айрим нуқсонлар мавжуд;

иккинчи муаммо, техник регламентлар ва стандартларнинг халқаро талабларга мос эмаслиги. Бунда, автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини назорат қилиш ва инспекциялаш талаблари Европа Иттифоқи ва БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг WP.29 талабларига⁴⁵ тўлиқ мос келмайди. Масалан, аварияларни олдини олиш учун зарур бўлган замонавий интеллектуал тизимлар (*автоматик тормоз тизими, йўлдан чиқишга огоҳлантириш тизими*) бўйича мажбурий стандартлар тўлиқ жорий қилинмаган;

⁴⁴ “Vienna Convention on Road Traffic, 1968” Ўзбекистон Республикаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги қонунлари

⁴⁵ 1958 Agreement concerning Uniform Technical Prescriptions for Vehicles, UNECE

учинчи муаммо, идоралараро ҳамкорлик механизмларининг самарасизлиги. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ички ишлар органлари, транспорт инспекцияси, тиббий хизматлар ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида самарали маълумот алмашиш ва ҳамкорлик механизмлари етарлича самарали йўлга қўйилмаганлиги. Бу ҳолат йўл-транспорт ҳодисалари юзасидан тўлиқ ва оператив таҳлил олиб бориш ҳамда зарур чораларни тезда кўриш имкониятини чекламоқда⁴⁶;

тўртинчи муаммо, ҳуқуқий маданият ва йўл ҳаракати маданиятининг паст даражада бўлиши. Бунда, ҳаракат иштирокчиларининг йўл қоидаларига амал қилиш маданияти, айниқса, пиёдалар ва икки ғилдиракли транспорт воситалари ҳайдовчилари ўртасида етарли эмас. Шунингдек, спиртли ичимлик истеъмоли ҳолатида ҳайдаш, ортиқча тезлик ва хавфсизлик камарларидан фойдаланмаслик ҳолатлари ижтимоий тармоқларда кўп кузатилмоқда.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш бўйича илмий асосланган таклифлар. Буларга:

биринчи муаммо юзасидан таклиф! Миллий қонунчиликни халқаро нормалар билан тўлиқ уйғунлаштириш. Бунда Ўзбекистон Республикаси йўл ҳаракати қоидалари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва Жиноят кодексларини 1968 йилги Вена конвенцияси⁴⁷ талабларига мувофиқ тарзда қайта кўриб чиқиш ва тегишли модификациялар киритиш. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида махсус “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида” ги кодекс қабул қилиш;

иккинчи муаммо юзасидан таклиф! Автотранспорт воситалари учун халқаро техник стандартларни жорий этиш. Бунда, автомобилларнинг техник ҳолатини баҳолашда Европа стандартларига⁴⁸ мослашган янги техник инспекция талабларини (*AEB, LDWS тизимлари*) мажбурий тартибда жорий қилиш. Шунингдек, транспорт воситаларига сертификатлаштириш тизимини ISO ва UNECE талабларига мувофиқлаштириш;

учинчи муаммо юзасидан таклиф! Идоралараро ҳамкорлик тизимини кучайтириш. Бунда, ички ишлар органлари, тиббий муассасалар, транспорт органлари ва маҳаллий ҳокимиятлар ўртасида ягона электрон маълумот алмашиш платформасини яратиш⁴⁹. Шунингдек, ҳар бир йўл-транспорт ҳодисасидан сўнг комплекс таҳлил асосида умумий ҳисоботлар тайёрлаш ва улар асосида профилактик тадбирларни белгилаш;

тўртинчи муаммо юзасидан таклиф⁵⁰! Йўл ҳаракати маданиятини юксалтиришга қаратилган кенг қамровли дастурларни амалга ошириш. Бунда, мактаб, коллеж ва университетларда йўл ҳаракати қоидалари ва ҳаракат маданияти бўйича мажбурий ўқув дастурларини жорий қилиш. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари орқали профилактик тарғибот кампанияларини мунтазам ташкил қилиш (*“Ҳаёт учун ҳаракат қил!”*, *“Хавфсизлик биринчи ўринда!”* каби шиорлар остида).

Хулоса қилиб айтганда, янги Ўзбекистонда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш ва давлатлараро ҳамкорликни кучайтириш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар миллий қонунчилик нормаларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш билан узвий боғлиқдир. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини ошириш бўйича қабул қилинган миллий норматив-ҳуқуқий базани Вена конвенциялари, Европа ҳаракат хавфсизлиги хартияси ва БМТ тавсияларига

⁴⁶ OECD Report on Effective Road Safety Coordination, 2022

⁴⁷ Vienna Convention on Road Traffic, 1968; European Road Safety Charter

⁴⁸ UNECE WP.29 Regulations, 1958 Agreement

⁴⁹ OECD Best Practice Framework for Road Safety Management, 2022

⁵⁰ WHO Global Road Safety Campaign Materials; European Road Safety Charter Educational Programs

интеграция қилиш орқали мазкур соҳадаги самарадорликни янада кучайтириш имконияти яратилади.

Мазкур жараёнда қуйидаги йўналишлар алоҳида аҳамият касб этади:

- *миллий қонунчиликни халқаро ҳуқуқий талаблар ва техник стандартлар билан уйғунлаштириш;*
- *идоралараро ҳамкорлик ва ахборот алмашиш тизимини мустаҳкамлаш;*
- *йўл ҳаракатида рақамли технологиялар ва интеллектуал транспорт тизимларини кенг жорий этиш;*
- *аҳоли ўртасида йўл ҳаракати маданиятини юксалтириш ва ҳуқуқий онгни ошириш чораларини кучайтириш.*

Шу тариқа, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасида халқаро тажриба ва миллий эҳтиёжлар ўртасида самарали уйғунликни таъминлаш орқали фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофаза қилиш, йўллардаги хавфсиз муҳитни барпо этиш ва мамлакатнинг халқаро нуфузини янада оширишга эришиш мумкин.

